

Биз Имом Бухорийни қай даражада биламиз?



09:30 / 15.04.2020 2321

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Daryo.uz интернет нашри таҳририяти ҳамкорликда «Сиз Имом Бухорийни биласизми?» деб номланган тест саволларини эълон қилади. Бу ҳақда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази матбуот хизмати хабар берди.

Мазкур лойиҳа орқали карантин вақтида халқимиз, хусусан, ёшларимизни Имом Бухорийнинг ибратли ҳаёти ва илмий мероси тўғрисида яқиндан хабардор этиш мақсад қилинган.

Тест саволлари жорий йил 15 апрель куни daryo.uz сайтида, 16 апрелдан эса, ҳар куни соат 20.00да bukhari.uz сайтида эълон қилиб борилади.

Лойиҳада иштирок этинг ва ўз билимингизни оширинг!

